

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИННИҢ ҚАРОРИ

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИННИҢ РЕГЛАМЕНТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТҮҒРИСИДА

“Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши түғрисида”ги Қорақалпогистон Республикаси Қонуни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентини тасдиқлаш түғрисида”ги 2019 йил 22 мартағи 242-сон қарорига мувофиқ Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қиласы:

1. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансын.
2. Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари, Вазирлар Кенгаши аппарати котибиятлари мудирлари, таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассислари, вазирлар, давлат қўмиталари раислари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар хокимлари ўз ваколатига оид тегишли йўналишлар ва масалалар бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тайёрлашда ижро интизомига риоя қилиш орқали шахсий маъсулиятига алоҳида эътиборни қаратган ҳолда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Регламенти талаблари сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.
3. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2018 йил 12 октябрдаги “Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Регламентини янги таҳрирда қабул қилиш ҳақида”ги 584-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансын.
4. “Еркин Қарақалпақстан” газетаси таҳририятига Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Регламентини тасдиқлаш түғрисидаги қарорни ахолига етказиш мақсадида кенг ёритиш тавсия этилсин.
5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўз кучига кириши белгилаб қўйилсин.
6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари ва Вазирлар Кенгашининг Ишлар Бошқарувчиси зиммасига юклансин.

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Қ. Сарiev

Нукус ш.,
2020 йил 8 июль,
193-сон

Қорақалпоғистон
Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2020 йил 8 июлдаги
193-сон қарорига
ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг
РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига ва “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi тўғрисида”ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонунига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 22 мартағи 242-сон қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi (кейинги ўринларда Вазирлар Кенгashi, Ҳукумат деб аталади) ваколатларини амалга ошириш юзасидан унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Вазирлар Кенгashi ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади ҳамда иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолият кўрсатишга раҳбарлик қилишни, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (кейинги ўринларда Олий Мажлис деб аталади) палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамаси деб аталади) қарорлари ва фармойишлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси (кейинги ўринларда Жўқорғи Кенгес деб аталади) ва унинг Президиуми қарорлари, Жўқорғи Кенгес Раиси фармойишлари ҳамда ўз қарорлари ижросини таъминлайди.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига мувофиқ Вазирлар Кенгаши Жўқорғи Кенгес олдида масъул ва унга ҳисоб беради.

4. Вазирлар Кенгаши ваколатларининг амалга оширилиши Вазирлар Кенгаши Раиси (кейинги ўринларда Раис деб аталади), унинг ўринбосарлари, вазирлар, қўмиталар раислари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, Вазирлар Кенгашининг Раёсати, Вазирлар Кенгашининг комиссиялари, кенгашлари ва бошқа идоралараро коллегиал органлари фаолияти, шунингдек, Вазирлар Кенгаши аппарати иши билан таъминланади.

5. Вазирлар Кенгашида унинг ваколатларига тегишли масалалар Вазирлар Кенгаши, унинг Раёсати мажлисларида, Раис

ва унинг ўринбосарлари (вазифалар тақсимотига мувофиқ) томонидан, Вазирлар Кенгаши томонидан ташкил этиладиган комиссиялар, кенгашлар ва бошқа идоралараро коллегиал органлар мажлисларида манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлар вакиллари иштирокида кўриб чиқлади.

6. Вазирлар Кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг бутун ҳудудида барча ижро қилиниши шарт бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

7. Раис Вазирлар Кенгаши фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қиласи, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Кенгаши ва унинг Раёсати мажлисларида раислик қиласи, унинг қарорларини имзолайди, қонун ҳужжатларига мувофиқ Вазирлар Кенгаши номидан иш кўради, Вазирлар Кенгашининг мажлисида кўриб чиқишини талаб қилмайдиган давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари бўйича қарорлар қабул қиласи, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Жўқорғи Кенгес, Жўқорғи Кенгес Раиси ҳамда Жўқорғи Кенгес Президиумининг ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Раис Ҳукумат олдига қўйилган мақсадли вазифаларга эришилишини таъминлаш мақсадида вазирликлар, қўмиталар ва давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар деб аталади) фаолиятини умумий мувофиқлаштиради, юзага келгандарни келишишни кабул қиласи.

Раис Вазирлар Кенгашининг иши тўғрисида Жўқорғи Кенгес ва Жўқорғи Кенгес Раисига ахборот беради.

Раис ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

8. Вазирлар Кенгаши аппарати Ҳукумат фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлилий ва баённома жиҳатдан таъминлайди, Вазирлар Кенгаши ва унинг Раёсати мажлисларини ташкил этади, тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган “йўл хариталари” жадваллар, ҳаракатлар дастурларини ишлаб чиқади.

Вазирлар Кенгаши аппарати таркибий бўлинмалари фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва жавобгарлиги, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартиби Вазирлар Кенгаши қарорлари билан тасдиқланадиган низомлар билан белгиланади.

Вазирлар Кенгаши аппаратининг таркибий бўлинмалари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вазирлар Кенгашининг доимий вакили фаолиятини мувофиқлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-боб. Вазирлар Кенгаши ишини режалаштириш ва ташкил этиш

9. Вазирлар Кенгаши ўз ишини:

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари қонунларини;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган ҳамда фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Олий Мажлис палаталарига мурожаатномаларда, Вазирлар Маҳкамаси ва Жўқорғи Кенгес мажлисларида, бошқа муҳим тадбирлардаги нутқларида, шунингдек, кўрсатмалар ва топшириқлар сифатида ифодаланган сиёsatни;

Вазирлар Кенгашининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини амалга оширишга йўналтиради.

Вазирлар Кенгашининг иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Жўқорғи Кенгес ва унинг Президиуми қарорлари, Жўқорғи Кенгес Раиси

фармойишларининг ҳамда Вазирлар Кенгашининг қарорларидан келиб чиқувчи вазифалар асосида шакллантирилган ярим йиллик режаларга мувофиқ олиб борилади.

10. Вазирлар Кенгашининг навбатдаги ярим йиллик учун иш режаси:

Вазирлар Кенгаши мажлисларини ўтказиш режасини;

Вазирлар Кенгашининг Раёсати мажлисларини ўтказиш режасини;

тармоқларда, иқтисодиёт соҳаларида ва минтақаларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши масалаларини Раис, унинг ўринbosарлари ҳузурида кўриб чиқиш режасини;

Вазирлар Кенгашининг комиссиялари, кенгашлари ва бошқа идоралараро коллегиал органлари мажлисларининг календарь режасини ўз ичига олади.

11. Вазирлар Кенгашининг иш режалари қўйидаги талаблардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади:

иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада, шунингдек республика ҳудудларида ислоҳотларнинг амалга оширилиши ҳолатини танқидий ва тизимли таҳлил қилиш;

ислоҳотлар жараёнларига тўсқинлик қилаётган камчиликлар ва муаммолар сабабларини тизимли таҳлил қилиш;

муаммоли масалаларни ҳал этиш ва истиқболдаги вазифаларни ҳал этиш бўйича пухта ишлаб чиқилган ва асосланган таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари, Жўқорғи Кенгес ва унинг Президиуми қарорлари, Жўқорғи Кенгес Раиси фармойишлари, Вазирлар Кенгаши ҳужжатлари ва топшириқларининг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш.

12. Вазирлар Кенгашининг иш режалари Вазирлар Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланади.

13. Вазирлар Кенгаши иш режаларини тайёрлаш, шунингдек, уларнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Кенгаши Раёсати томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

14. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз ишини белгиланган тартибда тасдиқланадиган иш режалари асосида ташкил этади.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар иш режалари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда Вазирлар Кенгашига тақдим этиб боради.

15. Масалаларни Вазирлар Кенгаши ва унинг Раёсати мажлисларида кўриб чиқиш, қоида тариқасида, ярим йиллик даврга режалаштирилади. Навбатдаги даврга мўлжалланган Вазирлар Кенгаши ва унинг Раёсати мажлислари режалари ҳар бир масала бўйича уни кўриб чиқиш санаси ва тайёргарлик учун масъул бўлган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар кўрсатилган ҳолда Вазирлар Кенгаши ва унинг Раёсати мажлисларида кўриб чиқилиши керак бўлган асосий масалалар рўйхатини ўз ичига олади.

16. Вазирлар Кенгаши аппаратида иш юритиш Вазирлар Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланадиган Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

17. Вазирлар Кенгаши аппаратига келган хатлар, қоида тариқасида, Вазирлар Кенгашининг Умумий бўлимида рўйхатдан ўтказилади.

Хатларни уни рўйхатдан ўтказмасдан туриб ижро этиш учун қабул қилишга йўл қўйилмайди.

Вазирлар Кенгашининг бошқармалари, котибиятлари, гуруҳлари, Юридик хизмати ва бошқа таркибий бўлинмалари (кейинги ўринларда таркибий бўлинма деб аталади) мурожаатлар ва хатлар учун мўлжалланган ўзларининг номи кўрсатилган бланкасида чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

18. Вазирлар Кенгашига киритилган ва ҳал этиш Раиснинг ваколатларига тегишли бўлган масалалар тўғрисида Раисга ахборот бошқарма, котибият ва гуруҳ раҳбарлари, зарурат бўлганда эса Раис ўринbosарлари, Вазирлар Кенгаши Ишлар бошқарувчиси томонидан берилади.

3-боб. Масалаларни Вазирлар Кенгашига киритиш, шунингдек, уларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартиби

19. Вазирлар Кенгашига кўриб чиқиш учун:

Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари лойиҳалари — қонунчилик ташабbusи тартибида Жўқорғи Кенгесга киритиш учун;

Вазирлар Кенгашининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари — қабул қилиш учун;

Вазирлар Кенгашининг ваколатига тегишли бўлган, Жўқорғи Кенгес номенклатурасига кирадиган ҳамда Вазирлар Кенгаши номенклатурасига кирадиган лавозимларга тайинлаш, тасдиқлаш, тақдим этиш, келишиш ва лавозимдан озод этиш учун номзодлар бўйича таклифлар киритилади.

Вазирлар Кенгашига кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида”ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонуни билан унинг ваколатига тегишли бўлган бошқа масалалар ҳам киритилади.

Мухим давлат, иқтисодий ва ижтимоий-маданий масалаларни ҳал этиш учун ишлаб чиқилган Вазирлар Кенгашининг комплекс ёки мақсадли дастурлари ва тадбирлари Раис ўринбосарлари томонидан Вазирлар Кенгашига кўриб чиқиш учун киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш, киритиш ва Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламентига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси хужжатларини тайёрлаш, киритиш, кўриб чиқиш, имзолаш ва рўйхатдан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ амалга оширилади.

20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан юборилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари ва бошқа хужжатлар, Вазирлар Маҳкамаси, Жўқорғи Кенгес, Жўқорғи Кенгес Раиси ҳамда Жўқорғи Кенгес Перзидиуми топшириқлари ва бошқа хужжатлари Вазирлар Кенгашида кўриб чиқилиши ва бажарилиши зарур.

21. Вазирлар Кенгашида кўриб чиқиш учун масалалар Вазирлар Кенгаши аъзолари, давлат бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, истисно ҳолларда эса уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан киритилиши мумкин.

22. Ушбу Регламентнинг 19-бандида назарда тутилмаган масалалар бўйича ёки ушбу Регламентнинг 21-бандида кўрсатилмаган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари томонидан киритилган мурожаатномалар Вазирлар Кенгашининг таркибий бўлинмалари томонидан давлат бошқаруви органларига, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига кўриб чиқиш ва уларнинг ваколатларига мувофиқ қарорлар қабул қилиш учун юборилади.

4-боб. Вазирлар Кенгаши ҳужжатларини тайёрлаш, киритиш, кўриб чиқиш, имзолаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби

1-§. Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашнинг умумий масалалари

23. Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида”ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонуни билан унинг ваколатига киритилган масалалар бўйича ушбу Регламентга мувофиқ қабул қилинади.

24. Вазирлар Кенгашининг норматив-хуқуқий ҳисобланган ҳужжатлари қарорлар шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Кенгашининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлари фармойишлар шаклида қабул қилинади.

25. Вазирлар Кенгашининг ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш, киритиш, кўриб чиқиш, имзолаш ва рўйхатдан ўтказиш ушбу Регламентга, Вазирлар Кенгаши Ишлар бошқармасида Иш юритиш ва ҳужжатлар ижроси устидан назоратни ташкил қилиш бўйича йўриқномага, шунингдек, бошқа хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

26. Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари лойиҳалари қонулар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари топшириқлари, Жўқорғи Кенгес, Жўқорғи Кенгес Раиси ва Жўқорғи Кенгес Президиумининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Раис ёки унинг ўринбосарлари топшириқлари ижроси юзасидан, шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ташаббуси бўйича ишлаб чиқилади.

Бунда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ташаббусига фақат ушбу органларнинг тегишли масалалар ёки муаммоларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган амалдаги нормалар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳал қилиш ваколати бўлмаган тақдирда йўл қўйилади.

Хўжалик бошқаруви органлари ваколатига кирувчи масалалар ва корпоратив муносабатларни қонуности ҳужжатларини қабул қилиш ёки маъмурий усувлар орқали тартибга солиш тақиқланади.

27. Вазирлар Кенгаши ҳужжатлари лойиҳалари аниқ ифодаланиши, қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши, қўриб чиқилаётган масала пухта таҳлил қилинган ва холис баҳоланган бўлиши, ижрочилар олдига аниқ мақсад ва вазифаларни кўйиши, уларни бажаришнинг аниқ муддатларини белгилаши керак.

Вазирлар Кенгаши ҳужжати лойиҳаси Ҳукуматнинг бошқа ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш заруратини келтириб чиқарса, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек, ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги таклифлар тайёрланган ҳужжат лойиҳасига киритилади ёки у билан бир вақтда алоҳида ҳужжат лойиҳаси кўринишида киритилади. Бунда унга ҳужжат матнининг амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрирининг таққослаш жадвали, шунингдек, айрим ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш юзасидан қўриб чиқиш жадвали тушунтиришлар билан илова қилинади.

28. Вазирлар Кенгашига киритиладиган Ҳукумат ҳужжатлари лойиҳалари “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари Қонунлари, ушбу Регламент талабларига, шунингдек, юридик-техник расмийлаштириш қоидаларига жавоб бериши керак.

Вазирлар Кенгашига киритиладиган Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари лойиҳалари эса “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига киритиш тартиби тўғрисида”ти Қорақалпоғистон Республикаси Қонуни талабларига жавоб бериши керак.

Вазирлар Кенгашига киритиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламентлари талабларига жавоб бериши керак.

29. Агар бир масалалар бўйича олдин қабул қилинган ҳужжатлар бажарилмаган бўлса, айна шу масала бўйича Вазирлар Кенгашига Ҳукумат ҳужжатлари лойиҳаларини киритишга йўл қўйилмайди, янги ҳолатлар юзага келиши бундан мустасно.

Вазирлар Кенгаши ҳужжатларининг лойиҳаларига жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарлик белгиловчи хуқуқий нормалар киритилиши тақиқланади.

30. Вазирлар Кенгашининг муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга норматив-хуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари, қоида тариқасида, лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилади.

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мухокамаси порталида жойлаштириладиган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини жамоатчилик томонидан мухокама қилиш натижалари Адлия вазирлигига (хуқуқий экспертиза учун) ва Вазирлар Кенгашига (кўриб чиқиш учун) киритилади, бунда, қоида тариқасида, келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилиши мажбурийдир.

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 15 мартағи ПҚ-5025-сон қарорига мувофиқ тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилади.

31. Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда масъул давлат органлари ва бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда ишлаб чиқувчи деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Таркибий бўлинмалар Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари лойиҳаларини мустақил ишлаб чиқишига ҳақлидир. Бунда ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишиш, шунингдек, Вазирлар Кенгашининг норматив-хуқуқий тусдаги қарорларини Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига (кейинги ўринларда Адлия вазирлиги деб аталади) хуқуқий экспертизадан ўтказиш лойиҳани ишлаб чиқсан таркибий бўлинма томонидан таъминланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг захира жамғармаларидан қўйидаги мақсадларда маблағлар ажратишга оид Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари лойиҳалари:

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш, шунингдек, ушбу йўналишда давлат харидларини амалга ошириш учун ушбу давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан;

Вазирлар Кенгашининг эҳтиёжларини қондириш ҳамда унинг олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш, шунингдек, ушбу йўналишда давлат харидларини амалга ошириш учун Вазирлар Кенгашининг Ишлар бошқарувчиси ўринbosари ва Бosh ҳисобчиси томонидан ишлаб чиқилади (тайёрланади).

Бунда Вазирлар Кенгашининг Ишлар бошқарувчиси ўринbosари ва Бosh ҳисобчиси, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари, шунингдек Молия вазири тақдим қилинган лойиҳалар ва унга асос бўлган барча ҳужжатлар (шу жумладан, лойиҳа-смета ҳужжатлари)нинг сифатли, ҳар томонлама ишлаб чиқилиши, маълумотларнинг

тўғрилиги, уларни амалга оширишнинг пировард натижалари ва оқибатлари, ажратилаётган (сарфланаётган) пул маблағлари ва бошқа товар-моддий бойликларнинг мақсадга мувофиқ ажратилиши ва сарфланиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади

32. Вазирлар Кенгаси хужжатларини тайёрлаш, киритиш, кўриб чиқиш, имзолаш ва эълон қилиш ушбу Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

Вазирлар Кенгашининг қарорлари ва фармойишлари, шу жумладан, хизмат доирасида фойдаланиш учун мўлжалланган қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш,

қоида тариқасида, “E-qaror” электрон тизими орқали амалга оширилади”;

Техник ва бошқа сабабларга кўра, “E-qaror” электрон тизими орқали ишлаш имкони бўлмаган тақдирда Вазирлар Кенгашининг хужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш ва эълон қилиш, кейинчалик “E-qaror” электрон тизимига қайта жойлаштириш шарти билан Раиснинг рухсати билан қоғоз ёки бошқа шаклларда ҳам амалга оширилишига йўл қўйилади

2-§. Вазирлар Кенгаси хужжатлари лойиҳаларини келишиш тартиби

33. Ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланган Вазирлар Кенгашининг хужжатлари лойиҳалари манфаатдор вазирликлар

ва идоралар, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари билан келишилиши керак.

Куйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан — барча лойиҳалар, шу жумладан, ривожлантириш давлат дастурлари ва инвестиция дастурларига оид лойиҳалар, уларни келишишнинг якуний босқичида Вазирлар Кенгашининг норматив-хуқуқий тусдаги қарорларини хуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Адлия вазирлигига киритишдан олдин;

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги билан — Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан маблағлар ажратиш, шунингдек, давлат харидларини амалга ошириш масалаларига оид лойиҳалар;

Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан — инвестициялар, савдо ва иқтисодий тартибга солиш масалаларига оид лойиҳалар;

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги билан — моддий маданий мерос объектларига оид лойиҳалар;

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси билан — нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига оид лойиҳалар;

Қорақалпоғистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан — фермер, дехқон хўжаликлари

ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига оид лойиҳалар;

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси билан — тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир қилувчи масалаларга оид лойиҳалар;

Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатаси Қорақалпоғистон Республикаси худудий бошқармаси билан — адвокатлик фаолияти ва суд ишларини юритиш масалаларига оид лойиҳалар;

Вазирлар Кенгашининг коррупцияга қарши ички назорат бўлими билан — Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг захира жамғармаларидан маблағлар ажратиш, шунингдек, давлат харидларини амалга ошириш масалаларига оид лойиҳалар;

шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан — худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва маҳаллий давлат дастурларига оид лойиҳалар мажбурий тартибда келишилади.

Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари лойиҳалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа давлат органлари

ва ташкилотлар билан ҳам мажбурий тартибда келишилади.

Вазирлар Кенгashi ҳужжатлари лойиҳаларини келишиш амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электрон шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин.

34. Вазирлар Кенгаши ҳужжатининг лойиҳасини тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан келишиш учун жавобгарлик ишлаб чиқувчига юкланди.

Келишиш учун юборилган ҳужжатлар лойиҳаларига (уларнинг нусхаларига) давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари (истисно ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) томонидан қонунлар лойиҳалари бўйича — етти иш куни мобайнида, Вазирлар Кенгашининг қарорлари лойиҳалари бўйича — уч иш куни мобайнида, Вазирлар Кенгашининг фармойишлари бўйича — икки иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда виза қўйилади.

35. Келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда Вазирлар Кенгашининг ҳужжати лойиҳаси тегишли биринчи раҳбарлар (истисно ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) томонидан имзоланган ва эътиrozлар бўйича асослантирилган келишмовчиликлар жадвали билан Ҳукуматга киритилиши мумкин.

36. Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари лойиҳалари норматив-ҳуқуқий тусда бўлса, ушбу Регламентнинг 33 ва 34-бандларига мувофиқ келишилгандан кейин улар Вазирлар Кенгашига киритилгунга қадар уларни қабул қилиш зарурлиги асосланиши (шу жумладан, тегишли қиёсий жадваллар, кўриб чиқиладиган жадваллар, келишмовчиликлар жадваллари) илова қилинган ҳолда Адлия вазирлигига экспертизага юборилади.

Норматив-ҳуқуқий тусда бўлмаган Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари лойиҳалари заруратга кўра, Адлия вазирлигига белгиланган тартибда экспертизага юборилиши мумкин.

Адлия вазирлиги Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка, халқаро шартномалар нормаларига, мамлакатда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг мақсадлари ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш, уларда коррупция намоён бўлиши, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловлар туғдирадиган шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш юзасидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказади.

Агар Жўқорғи Кенгес, Жўқорғи Кенгес Раиси ва Жўқорғи Кенгес Президиумининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари, Раиснинг, унинг ўринбосарларининг топшириқлари билан киритишнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Ҳукуматнинг ҳужжатларига нисбатан ҳуқуқий хulosани тайёрлаш муддати 5 иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

3-§. Ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Кенгашига киритиш тартиби

37. Вазирлар Кенгашининг норматив-хуқуқий тусдаги қарорлари лойиҳаси Вазирлар Кенгашига фақат хуқуқий экспертиза якуни бўйича уларни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги хақида Адлия вазирлигининг холосаси мавжуд бўлгандагина киритилади.

38. Ҳужжатнинг лойиҳаси Вазирлар Кенгашига лойиҳани киритган органнинг раҳбари (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринbosари) томонидан имзолangan хат билан киритилади.

Хатга:

манфаатдор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан келишилган ҳужжат лойиҳаси;

хужжат лойиҳасини келишиш ҳақидаги маълумотнома;

ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ рўйхат бўйича асосий маълумотлар мавжуд бўлган тушунтириш хати;

зарур молиявий-иқтисодий ва бошқа ҳисоб-китоблар, кўриб чиқилаётган масала ҳар томонлама таҳлил қилинган ва холисона баҳолангандан бошқа маълумотнома ва таҳлилий материаллар;

заруратга кўра, киритилган лойиҳа қабул қилиниши муносабати билан норматив-хуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари;

киритилган лойиҳа қабул қилиниши муносабати билан айрим норматив-хуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган, шунингдек, уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисобланадиган бўлса — ушбу Регламентга 3 ва 4-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича таққослаш ва кўриб чиқиш жадваллари;

хужжат лойиҳаси бўйича келишмовчиликлар мавжуд бўлганда — келишмовчиликлар жадвали;

ишлаб чиқувчи томонидан тузилган коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича намунавий шаклдаги саволнома (чеклист);

Адлия вазирлигининг Вазирлар Кенгашининг норматив-хуқуқий тусдаги қарорлари лойиҳасини қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги холосаси илова қилинади.

Бунда ушбу банднинг учинчи — тўққизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатлар лойиҳани киритган органнинг раҳбари (истисно ҳолларда — унинг биринчи ўринbosари) томонидан имзоланиши керак.

39. Вазирлар Кенгаши ҳужжатлари лойиҳалари ушбу Регламентга 5-иловага мувофиқ талабларга биноан расмийлаштирилади.

40. Вазирлар Кенгаши ҳужжатлари лойиҳалари Ҳукуматга давлат тилида (ўзбек ёки қорақалпоқ тилида), зарурат бўлганда — рус тили ва бошқа тилларга таржима қилиниб киритилади.

41. Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари Вазирлар Кенгашига киритиладиган ҳужжатлар лойиҳаларининг асосланганлиги ва сифати, келтирилган маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўғрилиги, шунингдек, уларнинг манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан тегишли равишда келишилганлиги учун шахсан жавоб берадилар.

42. Вазирлар Кенгашига ушбу Регламент талабларига риоя қилинмасдан киритилган ҳужжатлар лойиҳалари қуидаги тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ёки топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир, унинг ўринbosарлари ва маслаҳатчилари топшириқлари, Жўқорғи Кенгес, Жўқорғи Кенгес Раиси ва Президиуми ҳужжатлари ёки топшириқлари, Вазирлар Кенгаши, Раис, унинг ўринbosарлари топшириқлари ижроси бўйича киритилган ҳужжатлар лойиҳалари — тушган санадан бошлаб икки иш қунлик муддатдан кечикмай қайтариш сабаблари кўрсатилган ҳолда Раис, тегишлича унинг ўринbosарлари қарори асосида;

бошқа ҳужжатлар лойиҳалари — тушган санадан бошлаб икки иш қунлик муддатдан кечикмай қайтариш сабаблари кўрсатилган, Раиснинг тегишли ўринbosари билан келишилган ҳолда таркибий бўлинмалар томонидан қайтарилади.

Тушган санасидан бошлаб икки иш қунлик муддат ўтган бўлса ҳужжатлар лойиҳалари факат Раис, унинг ўринbosарлари қарорлари асосида қайтарилиши мумкин.

Имзолаш ҳуқуқи берилмаган шахслар томонидан имзоланган ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди

ва тегишли таркибий бўлинманинг раҳбари томонидан жўнатувчига қайтарилади.

43. Ҳукумат таркибига кирмайдиган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тайёрланган Вазирлар Кенгаши ҳужжатлари лойиҳалари Ҳукуматга ушбу Регламент талабларига мувофиқ киритилади.

4-§. Вазирлар Кенгаши аппаратида хужжатлар лойиҳалари билан ишлаш

44. Вазирлар Кенгашига киритилган хужжатлар лойиҳалари Умумий бўйимда рўйхатдан ўтказилади ва ўша куннинг ўзида ишлаш учун таркибий бўлинмага берилади.

45. Ушбу Регламентда белгиланган тартибда киритилган хужжат лойиҳасини Вазирлар Кенгаши аппаратида ишлаш, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, у тушган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида амалга оширилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муддатни узайтиришга фақат Раис, унинг ўринбосарлари, Вазирлар Кенгаши Ишлар бошқарувчисининг қарори билан йўл қўйилади.

46. Тегишли таркибий бўлинма раҳбари хужжат лойиҳаси билан ишлаш учун масъул бўлган ижрочини белгилайди.

Масъул ижрочи хужжат лойиҳасини миллий ва давлат манфаатлари таъминланиши, иқтисодий самарадорлик ва ундаги масалаларнинг ўзаро боғлиқлиги нуқтаи назаридан экспертизадан ўтказади. Заруратга қўра, масъул ижрочи хужжат лойиҳасининг қайта ишланишини ташкил этади, шунингдек, Раиснинг тегишли ўринбосарига лойиҳа бўйича келишмовчиликларни ҳал этиш юзасидан таклифлар киритади.

Таркибий бўлинма қўшимча материаллар ва маълумотларни сўрашга, зарур молиявий-иктисодий ва бошқа хисоб-китобларни ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлаш, шу жумладан, лойиҳани қабул қилишнинг оқибатларини баҳолаш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини жалб этиш ҳуқуқига эга.

47. Лойиҳани кўриб чиқиши натижалари тўғрисида Раиснинг тегишли ўринбосарига ахборот берилади.

Раиснинг ўринбосари:

салбий хulosага рози бўлса — таркибий бўлинма лойиҳани ушбу Регламентда белгиланган тартибда хulosани ва тегишли резолюцияни илова қилган ҳолда қайтаради;

ижобий хulosага рози бўлса — таркибий бўлинма лойиҳа билан ишлашни давом эттиради.

48. Агар хужжат лойиҳаси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг концептуал келишмовчиликлари (қабул қилинмаган таклифлар ва эътиrozлар) мавжуд бўлса, хужжат лойиҳаси билан ишлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинма хужжат лойиҳаси бўйича таклифлар ва эътиrozлар билдирган ташкилот биритирилган тегишли таркибий бўлинма билан, заруратга қўра, Раиснинг ўринбосари билан келишишни таъминлайди.

49. Лойиҳанинг молиявий ва иқтисодий экспертизаси у ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Юридик хизматига киритилгунга қадар амалга оширилади.

Хужжатлар лойиҳаларининг молиявий ва иқтисодий экспертизаси биринчи босқичда — тегишли таркибий бўлинма томонидан, иккинчи босқичда — молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича котибияти ва бошқа таркибий бўлинмалар томонидан амалга оширилади.

50. Якуний ишлаб бўлинган ҳужжат лойиҳаси масъул таркибий бўлинма раҳбарининг визаси билан қўйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда Юридик хизматга киритилади:

манфаатдор давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари билан келишилган, шунингдек, молиявий ва иқтисодий экспертизадан ўтказган таркибий бўлинма раҳбарининг визаси қўйилган ҳужжат лойиҳаси матни;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган, шунингдек, айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз қучини йўқотган деб ҳисобланаётган бўлса — масъул таркибий бўлинма раҳбари томонидан имзолангандан қиёсий ва кўриб чиқиши жадваллар;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг қабул қилинмаган таклифлари ва эътиrozлари мавжуд бўлганда — тегишли таркибий бўлинма, заруратга кўра Раиснинг тегишли ўринбосари билан келишилган масъул таркибий бўлинма раҳбари томонидан имзолангандан келишмовчиликлар жадвали;

зарур молиявий-иқтисодий ва бошқа ҳисоб-китоблар, маълумотнома ва таҳлилий материаллар.

51. Юридик хизмат, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса уч иш куни мобайнида лойиҳани ҳуқуқий экспертизадан ўтказади ва якуни бўйича унга виза қўйилишини таъминлайди ёхуд у бўйича эътиroz ва таклифларни тақдим этади.

52. Юридик хизматнинг эътиroz ва таклифлари иш тартибида бартараф этилиши мумкин. Концептуал келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда, улар ҳужжат лойиҳаси бўйича Юридик хизматнинг тегишли хулосасида баён қилинади.

53. Вазирлар Кенгаши аппаратида норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлари лойиҳасининг концептуал қоидалари ўзгартирилган тақдирда ушбу лойиҳа Адлия вазирлигига тақроран ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши керак.

Ушбу ҳолатда ҳужжат лойиҳаси лойиҳа билан ишлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинма томонидан Адлия вазирлигига киритилади.

Адлия вазирлиги бир иш куни муддатда тақоран хуқуқий экспертизани ўтказади ва тегишли хulosани тақдим этади.

54. Ушбу Регламентда белгиланган тартибда келишилган хужжат лойиҳаси экспертизадан ўтказиш ёки келишиш учун Юридик хизматга тақдим этилади.

Юридик хизмат ушбу хужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказади ҳамда улар бўйича эътиroz ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан барча таркибий бўлинмалардан (ходимлардан) кейин виза қўйилади.

55. Ушбу Регламентда белгиланган тартибда келишилган хужжат лойиҳаси Вазирлар Кенгаши Ишлар бошқарувчисининг ўринbosарига киритилади, кейинчалик у Вазирлар Кенгаши Ишлар бошқарувчисига хужжат лойиҳаси тўғрисида ахборот беради.

56. Вазирлар Кенгаши Ишлар бошқарувчилиси лойиҳани қўриб чиқади ва у тўғрисида Раисга ахборот беради.

57. Раиснинг ўринbosарлари ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда Раиснинг тегишли ўринbosари лойиҳани қўриб чиқиши учун Раисга ёки Вазирлар Кенгаши Раёсатига киритади.

58. Вазирлар Кенгаши Раёсати аъзолари томонидан эътиrozлар билдирилган тақдирда лойиҳа, агар бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, икки иш кун муддатда тегишли таркибий бўлинма ёки ташкил этилган комиссия (ишчи орган) томонидан қайта ишланади, Раиснинг тегишли ўринbosарлари билан келишилади ва белгиланган тартибда ахборот бериш учун тақдим этилади.

Вазирлар Кенгаши Раёсати аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар сақланиб қолган тақдирда Раис якуний қарор қабул қиласиди.

59. Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда хужжатлар лойиҳалари қўриб чиқиши учун Вазирлар Кенгаши ва унинг Раёсати мажлисларига киритилади.

5-§. Вазирлар Кенгашининг қабул қилинган хужжатларини рўйхатдан ўтказиш, жўнатиш, эълон қилишни ташкил этиш ва ижрочиларга етказиш тартиби

60. Вазирлар Кенгашининг Ишлар бошқарувчиси ва унинг ўринбосари Раис томонидан имзоланган Вазирлар Кенгашининг хужжатларига сана қўяди, уларнинг асл нусха эканлигини ўз имзоси билан тасдиқлади ва чиқарилишини ташкил қиласди.

Хужжатни чиқаришга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар аниқланганда, Вазирлар Кенгашининг Ишлар бошқарувчиси улар ҳакида Раисга ахборот беради ва Раис томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ иш кўради.

61. Раис томонидан имзоланган Вазирлар Кенгашининг хужжатига тартиб рақами берилади ва сана қўйилади.

Вазирлар Кенгashi хужжатининг жўнатиладиган нусхалари Умумий бўлимнинг мухри билан тасдиқланади.

Имзоланган хужжатнинг асл нусхаси, лойиҳанинг виза қўйилган нусхалари, лойиҳа бўйича барча материаллар, шу жумладан, ахборот ва тушунтириш хатлари, маълумотнома, таҳлилий ва бошқа материаллар рўйхат бўйича сақлаш учун Умумий бўлимга берилади.

62. Вазирлар Кенгашининг норматив-хукуқий ҳисобланган қарорлари норматив-хукуқий хужжатлар эълон қилинадиган расмий манбаларда эълон қилиниши шарт.

Вазирлар Кенгашининг норматив-хукуқий ҳисобланмаган, шунингдек, тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича хужжатлари эълон қилиниши талаб этилмайди. Бундай хужжатлар норматив-хукуқий хужжатлар эълон қилинадиган расмий манбаларда аҳолининг тезкор танишиши мақсадида, шунингдек, Раис топшириғига кўра эълон қилиниши мумкин.

63. Вазирлар Кенгашининг хужжатига унинг эълон қилинишини чеклайдиган гриф қўйилишини таъминлаш унинг ишлаб чиқилиши учун масъул бўлган ижрочига ва Умумий бўлимга юкланди.

64. Вазирлар Кенгашининг имзоланган хужжатини бошқа тилларда эълон қилиш зарур бўлганда хужжатни имзолашга киритган таркибий бўлинма Умумий бўлим билан биргаликда имзоланган хужжат матни таржима қилинишини таъминлайди ва таржиманинг мувофиқлиги ва бир хиллиги учун жавоб беради.

65. Вазирлар Кенгашининг хужжати у имзоланган кунда Умумий бўлим томонидан масъул ижрочи ва лойиҳани имзолашга киритган таркибий бўлинма раҳбари томонидан имзоланган жўнатиш реестрига мувофиқ давлат органлари ва бошқа ташкилотларга юборилади.

Вазирлар Кенгашининг давлат сирлари мавжуд бўлган ҳужжатларини ҳамда улардан кўчирмаларни жўнатиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда Вазирлар Кенгashi қарорлари (зарурат бўлганда ахборот-таҳлилий материаллар билан бирга) расмий эълон қилиш

ва белгиланган тартибда ижрочиларга етказиш учун қоғоз ва электрон шаклларда мажбурий тартибда Адлия вазирлигига юборилади.

66. Вазирлар Кенгашининг норматив-хуқуқий ҳисобланган қарорлари, агар уларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, улар расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазирлар Кенгашининг норматив-хуқуқий ҳисобланмаган қарорлари, шунингдек, Вазирлар Кенгашининг фармойишлари
улар имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

67. Республикини кенг ва тезкор танишириш зарур бўлганда қарорлар ва фармойишлар Раиснинг топшириғига мувофиқ оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

68. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар — Вазирлар Кенгashi ҳужжатлари ижрочилари:

қабул қилинган ҳужжат фаолиятига даҳлдор бўлган ўзининг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига ўз вақтида етказилишини ташкил этадилар;

қабул қилинган ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти ўз ходимлари ва аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминлайдилар.

5-боб. Вазирлар Кенгашининг қонун ижодкорлиги фаолияти

69. Вазирлар Кенгашининг қонун ижодкорлиги фаолияти “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Регламенти тўғрисида”ги, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига киритиши тартиби тўғрисида”ги, “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонунлари ҳамда Вазирлар Кенгашининг тегишли қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

6-боб. Вазирлар Кенгаши ва унинг Раёсати мажлислариiga тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартиби

70. Вазирлар Кенгаши мажлислари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Вазирлар Кенгаши мажлисларида Раис,

у йўқлигига унинг топшириғига биноан ўринбосарларидан бири раислик қиласи. Жўқорғи Кенгес Раиси Вазирлар Кенгаши мажлисларида раислик қилиши мумкин.

71. Вазирлар Кенгаши мажлисларида “Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида”ги Қарақалпоғистон Республикаси Қонунида назарда тутилган масалалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Махкамаси, Жўқорғи Кенгес, Жўқорғи Кенгес Раиси, Жўқорғи Кенгес Президиуми топшириқларига ва Вазирлар Кенгаши Раёсати қарорларига мувофиқ бошқа масалалар кўриб чиқлади.

72. Вазирлар Кенгаши мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлашни Раҳбариятнинг топшириғига кўра Раиснинг ўринбосарлари, Вазирлар Кенгаши Ишлар бошқарувчиси, Вазирлар Кенгаши Ишлар бошқарувчисининг ўринбосари раҳбарлигига давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг вакиллари жалб этилган ҳолда мажлиснинг мазмун қисмини тайёрлаш учун масъул бўлган тегишли таркибий бўлинма амалга оширади. Зарур ҳолларда масалаларни тайёрлашни Вазирлар Кенгаши ёки унинг Раёсати томонидан ташкил этиладиган комиссиялар амалга оширади.

73. Хукумат тузилмасига кирадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар мажлисни ўтказиш санасидан камида 15 кун олдин Вазирлар Кенгашига кун тартиби, уни муҳокама қилиш тартиби лойиҳаларини ҳамда маълумотномаларни, тегишли таҳлилий материалларни (шу жумладан, жадвал кўринишида), Вазирлар Кенгаши мажлиси баённомаси лойиҳасини киритадилар.

74. Вазирлар Кенгаши мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлашга масъул бўлган тегишли таркибий бўлинма вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан киритилган материалларни (худудлардаги ишларнинг ҳолатини ўрганишни ҳисобга олган ҳолда), шунингдек, бошқа материалларни кўриб чиқади.

75. Кўриб чиқилган материаллар Вазирлар Кенгашининг Ишлар бошқарувчиси билан келишилади ва мажлисни ўтказиш санасигача ўн икки кундан кечикмай Раисга ахборот берилади.

76. Вазирлар Кенгаши Раёсати томонидан кўриб чиқилган материаллар Раёсат аъзолари томонидан билдирилган мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қайта ишланади ва мажлисни ўтказиш санасидан камида ўн кун олдин Раисга ахборот бериш учун тақдим этилади, зарурат бўлганда, Жўқорғи Кенгесга юборилади.

77. Вазирлар Кенгаши мажлисида кўриб чиқиши учун киритиладиган хужжатлар лойиҳалари ушбу Регламент талабларига мувофиқ тайёрланган бўлиши керак.

78. Вазирлар Кенгаши мажлисига таклиф этиладиган мансабдор шахслар рўйхати Раис ва Вазирлар Кенгашининг Ишлар бошқарувчиси билан келишилган ҳолда шакллантирилади.

Мансабдор шахсларнинг Вазирлар Кенгаши мажлисида иштирок этиши тегишли таркибий бўлинмалар томонидан таъминланади.

79. Вазирлар Кенгаши мажлисига, заруратга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси судлари раислари, Конституциявий назорат қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Прокурори, Жўқорғи Кенгес қўмита ва комиссия раислари доимий равишда таклиф этилишлари мумкин. Бошқа мансабдор шахслар Вазирлар Кенгашининг мажлисига фақат ўзларига дахлдор масалалар бўйича таклиф этиладилар.

Вазирлар Кенгаши мажлисида ярим йиллик ва йил якунлари бўйича республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш

ва иктисодий ислоҳотларнинг натижаларини кўриб чиқиша, шунингдек, мажлисда республиканинг муайян худудини иктисодий

ва ижтимоий-маданий ривожлантиришни таъминлаш билан бевосита боғлик масалалар кўрилаётганда туманлар ва шаҳар ҳокимлари иштирок этадилар.

Вазирлар Кенгашининг календарь йилнинг биринчи чорак ва тўқиз ойлик якунлари бўйича мажлислирида шаҳар ва туманлар ҳокимларининг тегишли масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этадилар.

Вазирлар Кенгаши мажлислирини оммавий ахборот воситаларида ёритиш мақсадида унга оммавий ахборот воситалари

ва жамоатчилик вакиллари ҳам таклиф этилиши мумкин.

80. Заруратга кўра Раис томонидан аниқ соҳалар ва йўналишларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг боришини ўрганиш мақсадида шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, давлат бошқаруви ҳудудий органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ҳудудларда Ҳукуматнинг мавзули сайёр (очик) мажлислари ўтказилиши мумкин.

Ҳукуматнинг мавзули сайёр (очик) мажлисларини ўтказиш тартиби Раис томонидан белгиланади.

81. Вазирлар Кенгаши мажлисларида кўриб чиқилаётган масалалар бўйича Раис ўринbosарлари, вазирлар, қўмиталар раислари, идоралар, бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг, Вазирлар Кенгаши аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотлари эшитилади.

82. Вазирлар Кенгаши мажлисида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар Ҳукумат аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

83. Вазирлар Кенгаши мажлисида қабул қилинган қарорлар баённома қўринишида расмийлаштирилади.

Мажлис баённомаси мажлис тугаганидан кейин бир кун мобайнида Вазирлар Кенгашининг Ишлар бошқарувчиси, Раис ўринbosарлари раҳбарлигига мажлиснинг мазмун қисми тайёрланиши учун масъул бўлган тегишли таркибий бўлинма томонидан расмийлаштирилади, мажлисда раислик қилувчи томонидан имзоланади ва Умумий бўлим томонидан белгиланган тартибда тарқатилади.

84. Вазирлар Кенгаши Раёсати мажлислари Ҳукуматнинг доимий ишлайдиган органи сифатида ҳар ҳафтада Раис томонидан ўтказилади.

Вазирлар Кенгаши Раёсати таркибига Раис, Раис ўринbosарлари, вазирлар, давлат қўмиталари раислари ҳамда Вазирлар Кенгаши Ишлар бошқарувчиси киради.

Вазирлар Кенгашининг Ишлар бошқармаси Вазирлар Кенгаши Раёсатининг ишчи органи ҳисобланади.

Вазирлар Кенгаши Раёсатининг кун тартиби лойиҳасини шакллантириш ва Раис билан келишиш Вазирлар Кенгашининг Ишлар бошқарувчиси томонидан таъминланади.

85. Вазирлар Кенгаши Раёсати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг, Жўқорғи Кенгес Раиси ва Жўқорғи Кенгес Президиумининг топшириқлари ижросини ташкил этиш масалалари ҳамда Вазирлар Кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар кўриб чиқилади, “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида”ги Қорақалпоғистон Республикаси Қонунига мувофиқ фақат Вазирлар Кенгаши мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар бундан мустасно.

86. Раис, унинг ўринбосарлари раислигидаги йиғилишларни тайёрлаш ва ўтказиш, ўтказилган йиғилишлар якунлари бўйича баённома қарорларини расмийлаштириш ва имзолаш тартиби Вазирлар Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланади.

87. Раис ўринбосарлари хузуридаги йиғилишларни ташкил этиш ва ўтказиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

88. Вазирлар Кенгаши Раёсати мажлисларида қабул қилинган қарорлар баённома кўринишида расмийлаштирилади, уларнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Кенгашининг Ишлар бошқарувчисига, Раис ўринбосарлари ва таркибий бўлинмалар раҳбарларига юкланди. Баённома раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Хукумат баённома қарорлари лойиҳалари Адлия вазирлиги томонидан хукуқий экспертизадан ўтказилиши мумкин.

7-боб. Қабул қилинган қарорлар ижросини ташкил этиш ва уларни назорат қилиш тартиби

89. Қабул қилинган қарорлар ижросини ташкил этиш, шунингдек, улар ижроси боришини назорат қилиш Вазирлар Кенгашининг тегишли қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

90. Вазирлар Кенгашининг таркибий бўлинмалари ҳамда давлат бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимиятларида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомининг ҳолатини ўрганиш ушбу Регламентга 6 ва 7-иловаларга мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

91. Вазирлар Кенгашига тушган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Жўқорғи Кенгес, Жўқорғи Кенгес Раиси ва Жўқорғи Кенгес Президиумининг ҳужжатлари ва топшириқлари тўғрисида дарҳол Раисга ахборот берилади, улар юзасидан масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолда тегишли топшириқлар тайёрланади.

92. Топшириқлар ижрочиларга етказилиши ва бажарилишини назорат қилиш тегишли таркибий бўлинмалар томонидан бир кунлик муддатда, шошилинч топшириқлар бўйича эса — дарҳол таъминланади.

93. Вазирлар Кенгашининг топшириқлари давлат бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, ҳужжат жўнатилган кундан бошлаб ўн календарь кун мобайнида ижро этилиши керак.

94. Агар топшириқ бир нечта давлат органи ва ташкилотларга берилган бўлса, у ҳолда топшириқда биринчи бўлиб кўрсатилган (“чақириқ” сўзи билан белгиланган) ва асосий ижрочи ҳисобланган тегишли орган ва ташкилотнинг раҳбари ишни ташкил этади ва ушбу топшириқ ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

Ҳамижрочилар асосий ижрочига тегишли орган ва ташкилотнинг раҳбари ёхуд унинг ўринbosари томонидан имзоланган таклифларни тақдим этадилар. Зарурат бўлганда (муддат қисқалигини ҳисобга олган ҳолда), асосий ижрочи томонидан топшириқни тезкор тартибда, шу жумладан, ишчи гурухлар ташкил этган ҳолда бажариш чоралари қўрилади.

95. Конун ҳужжатларини ва Ҳукумат қарорларини Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасининг қабул қилинган қонунларига мувофиқлаштириш бўйича топшириқлар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан, агар бевосита қонуннинг ўзида уни амалга киритиш муддати назарда тутилмаган бўлса, бир ой мобайнида бажарилиши керак.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаган вазирликлар, идоралар ҳамда Вазирлар Кенгаши аппаратининг таркибий бўлинмалари Адлия вазирлиги билан биргаликда мазкур топшириқларни бажариш вазифаси юкланди.

96. Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларининг (ёзма ахборот хати ёки тегишли ҳужжат лойиҳаси шаклида) Вазирлар Кенгаши томонидан ижро этилиши натижалари Раис (тўғридан-тўғри топшириқ мавжуд бўлганда) ёки унинг ўринbosарлари имзоси билан белгиланган тартибда Давлат раҳбарига ахборот бериш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига юборилади.

97. Топшириқларни бажариш муддатлари фақат топшириқни имзолаган раҳбар томонидан узайтирилиши мумкин.

98. Топшириқ белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда, у бажарилмаган деб ҳисобланади ва назоратда бўлади. Унинг ижроси бўйича мажбурият ижроцида (асосий ижроцида) сақланиб қолади.

Топшириқнинг ижрочиси (асосий ижрочиси) топшириқнинг ижро муддати тамом бўлгандан кейин уч кун мобайнида тегишли таркибий бўлинмага топшириқ ижросининг ҳолати, унинг белгиланган муддатда ижро этилмаслиги сабаблари тўғрисида ёзма тушунтиришни тақдим этади.

99. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Жўқорғи Кенгеси, Жўқорғи Кенгеси Раиси ҳамда Жўқорғи Кенгес Президиумининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари, баённома қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш:

тегишли Раис ўринbosарлари томонидан;

тегишли графикларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали;

тегишли таркибий бўлинмалар томонидан амалий чора-тадбирларни тасдиқланган муддатларда амалга ошириш орқали, мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан;

давлат бошқаруви органларида, туман ва шаҳарлар ҳокимликларида, бошқа органлар ва ташкилотларда уларнинг бажарилишини мақсадли ўрганишни ташкил этиш;

юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ижроси юзасидан қабул қилинган вазирликлар, идоралар, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг қарорлари бажарилишини кўриб чиқиш;

республика тармоқлари ва худудларида ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганишни ташкил этиш, уларнинг якунларини Вазирлар Кенгashi ва унинг Раёсати мажлислида кўриб чиқиш;

қўйилган вазифаларни, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Жўқорғи Кенгес, Жўқорғи Кенгес Раиси ва Жўқорғи Кенгес Президиуми ҳамда Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари ва топшириқлари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминламаган раҳбарлар, мансабдор шахслар ва ходимларга нисбатан белгиланган тартибда интизомий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш орқали таъминланади.

100. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Жўқорғи Кенгес, Жўқорғи Кенгес Раиси ҳамда Жўқорғи Кенгес Президиумининг ҳужжатлари ва топшириқларини, Вазирлар Кенгашининг ҳужжатларини ва Раис, унинг ўринbosарлари топшириқларини бажариш бўйича ижро интизомининг ҳолатини тизимли ва танқидий таҳлил қилиш қўйидагicha амалга оширилади:

хар куни — давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг тегишли бўлинмалари томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари тегишли чораларни кўриш учун хабардор қилинади;

хар хафта — давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари томонидан ижро интизомининг ҳолатини таҳлил қилиш таъминланади, кейинчалик ушбу таҳлил якунлари Вазирлар Кенгashi Раёсати мажлисида танқидий муҳокама қилинади ва таъсирчан чоралар кўрилади;

хар ойда — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика худудига ташрифлари якунлари бўйича тасдиқланган баённомалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида ўtkazilgan мажлислар баённомалари, олий ва юқори даражалардаги ташрифлар якунлари бўйича амалий тадбирлар режалари (“йўл ҳариталари”) ижроси, шунингдек, ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурларини амалга оширишнинг таҳлили натижалари Раиснинг кўриб чиқиши учун киритилади;

хар чоракда — давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, туман ва шаҳарлар ҳокимиятларида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомининг ҳолатини ўрганиш якунлари бўйича тайёрланган таҳлилий материаллар Вазирлар Кенгаши Раёсати мажлисида кўриб чиқилади.

101. Вазирлар Кенгаши, унинг Раёсати мажлисларида давлат бошқаруви органлари, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни бажарилиши, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ижроси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Жўқорғи Кенгес, Жўқорғи Кенгес Раиси ҳамда Жўқорғи Кенгес Президиумининг ва Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилиши бориши тўғрисидаги ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилади, уларни сўзсиз амалга оширишни таъминлаш чоралари кўрилади.

102. Вазирлар Кенгашининг ижро этилган ҳужжатлари ва топшириқларини назоратдан чиқариш тўғрисидаги қарор Раис ёки Вазирлар Кенгаши Раёсати томонидан қабул қилинади.

8-боб. Комиссиялар, кенгашлар ва бошқа идоралараро коллегиал органларни тузиш ва фаолиятини ташкил этиш тартиби

103. Вазирлар Кенгашининг ваколатлари амалга оширилишига қўмаклашиш учун комиссиялар, кенгашлар ва бошқа идоралараро коллегиал органлар (кейинги ўринларда консультатив ва маслаҳат органлари деб аталади) тузилиши мумкин.

Консультатив ва маслаҳат органларининг вазифалари, функциялари, хуқуqlари ва жавобгарлиги ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари билан белгиланади.

104. Консультатив ва маслаҳат органларининг мажлислари Вазирлар Кенгашининг Раёсати томонидан тасдиқланадиган Вазирлар Кенгашининг ярим йиллик иш режалари асосида ўтказилади

105. Консультатив ва маслаҳат органлари фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш уларга бириктирилган Вазирлар Кенгаши аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

9-боб. Раис ўринbosарлари, шунингдек, вазирлар, давлат қўмиталари раислари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлиги

106. Раис ўринbosарлари, бошқарма, котибият ва гурух раҳбарлари вазирликлар, қўмиталар ва бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг ҳужжатлари, парламент ва депутат сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, Жўқорғи Кенгес, Жўқорғи Кенгес Раиси ҳамда Жўқорғи Кенгес Президиумининг, Раиснинг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилиши мониторингини олиб боради, шунингдек, жойларда ишларнинг реал ҳолатини мунтазам ўрганади, иқтисодиётдаги ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қиласи ҳамда шу асосда стратегик ва устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан комплекс таклифларни ишлаб чиқади. Бунда юклangan вазифаларни ҳал этишда уларнинг вазирликлар, қўмиталар ва давлат бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимиятлари фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Раис ўринbosарлари Ўзбекистон Республикаси Президентига, Вазирлар Маҳкамасига, Жўқорғи Кенгесга киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг асосланганлиги, берилган топшириқлар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилиши самарадорлиги, шунингдек, тегишли фаолият соҳаларидағи эришилган натижалар учун шахсан жавоб берадилар.

107. Раис ўринbosарлари, бошқарма, котибият ва гурух раҳбарлари ҳамда Раис маслаҳатчилари улар ваколатига киритилган тегишли йўналишлар ва масалалар бўйича Раисга таклифларнинг пухта ишлаб чиқилишини, экспертизадан ўтказилишини

ва тайёрланишини таъминлайди, шунингдек, ушбу масалалар учун шахсан жавобгар хисобланади.

108. Вазирлар, қўмиталар раислари ва бошқа давлат бошқаруви органларининг раҳбарлари Вазирлар Кенгашига киритилаётган таклифлар, таҳлилий ва бошқа ҳужжатларнинг, шу жумладан, норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ҳар томонлама ишлаб чиқилиши, шунингдек, уларни амалга оширишнинг пировард натижалари ва оқибатлари учун шахсан жавобгар хисобланади.

109. Вазирлар Кенгаши аъзолари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, шунингдек, шаҳар ва туманлар ҳокимлари

“Халқ давлат органларига әмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган асосий принципни ўз вақтида, аниқ ва түлиқ ҳажмда амалга ошириш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

10-боб. Вазирлар Кенгашининг Жўқорғи Кенгес билан ўзаро ҳамкорлиги

110. Вазирлар Кенгashi ўз фаолиятини Жўқорғи Кенгес билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

111. Вазирлар Кенгашининг қонун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан, Жўқорғи Кенгесда кўриб чиқиладиган қонунлар лойиҳалари, бошқа хужжатларни тайёрлашда ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан парламент назоратини амалга оширишда ўзаро ҳамкорлиги Раис ўринбосарлари ва Ишлар Бошқарувчиси томонидан таъминланади.

112. Вазирлар Кенгашининг Жўқорғи Кенгес билан ўзаро ҳамкорлиги “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида”, Қорақалпоғистон Республикаси конституциявий қонунига, “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига киритиш тартиби тўғрисида”, “Парламент назорати тўғрисида”ги Қорақалпоғистон Республикаси қонунларига, Жўқорғи Кенгес регламентига ҳамда ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади.

113. Вазирлар Кенгashi аъзолари Жўқорғи Кенгес регламентига мувофиқ Жўқорғи Кенгес, уларнинг қўмиталари ва комиссиялари мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этиши ва сўзга чиқиши мумкин.

114. Вазирлар Кенгashi Жўқорғи Кенгесга Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети лойиҳасини белгиланган тартибда киритади.

115. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар чоракда Жўқорғи Кенгес ва Вазирлар Кенгashига Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотни ва зарур материалларни юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ижроси боришини Жўқорғи Кенгес томонидан кўриб чиқишида Вазирлар Кенгашининг ҳисботи эшитилади.

Вазирлар Кенgashi белгиланган тартибда Жўқорғи Кенгесга Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисботни тақдим этади.

116. Вазирлар Кенгашининг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва навбатдаги йил учун назарда тутилган асосий устуворликлар тўғрисидаги ҳар йилги маъruzаси Раис томонидан Жўқорғи Кенгесга тақдим этилади.

117. Раиснинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботи парламент сўрови тартибида эшитилади.

118. Ҳукумат аъзолари Жўқорғи Кенгес мажлисида Жўқорғи Кенгес депутатларининг саволларига ҳисботларни тақдим этадилар.

119. Давлат органларининг мансабдор шахслари Жўқорғи Кенгес депутати сўровига ёзма жавобни, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юбориши лозим.

120. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарлари мунтазам равища Жўқорғи Кенгесга мақсадли вазифалар бажарилганлиги ва эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисботларни белгиланган тартибида тақдим этадилар.

121. Вазирлар Кенгаши аъзолигига номзод Жўқорғи Кенгес сессиясида, Жўқорғи Кенгес сессиялари ўртасидаги даврда Жўқорғи Кенгес Президиумида кўриб чиқилади ва маъқулланади, кейинчалик Жўқорғи Кенгес томонидан тасдиқланади.

11-боб. Вазирлар Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси, судлар, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлиги

122. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси “Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий назорат қўмитаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунига мувофиқ, Ҳукумат қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди.

123. Қонунлар ёки уларнинг айрим қоидалари Конституциявий назорат қўмитаси томонидан Конституцияга хилоф деб топилганда, Вазирлар Кенгаши ўз ваколатлари доирасида “Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциявий назорат қўмитаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни кўради.

124. Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси мажлисида Раис иштирок этиши ва кўрилаётган масалалар бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириши мумкин.

125. Вазирлар Кенгаши мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси Раиси иштирок этиши ва кўрилаётган масалалар бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириши мумкин.

126. Вазирлар Кенгаши ўз ваколатлари самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.

127. Вазирлар Кенгаши қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ҳарбийлаштирилган тузилмалар фаолиятини молиявий ва моддий-техник таъминлаши мумкин.

128. Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар раҳбарлари ўз фаолиятига доир масалалар бўйича Вазирлар Кенгаши ва унинг Раёсати мажлисларида иштирок этишлари мумкин.

12-боб. Вазирлар Кенгашининг нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги

129. Вазирлар Кенгаши ўз ваколати доирасида нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзаро ҳамкорлик қиласди, уларга зарур ёрдам кўрсатади.

130. Вазирлар Кенгаши бевосита ёки давлат бошқаруви органлари орқали нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган хуқуклари амалга оширилишини таъминлайди.

131. Вазирлар Кенгаши ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг таклифларини қўриб чиқади.

132. Вазирлар Кенгаши нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига улар томонидан ўз уставида қайд этилган мақсадлар ва вазифаларнинг бажарилиши учун teng хуқуқий имкониятларни таъминлайди.

133. Вазирлар Кенгаши қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда сиёсий партияларнинг устав фаолиятини молиялаштириш учун уларга давлат маблағлари ажратилишида иштирок этиши мумкин.

13-боб. Вазирлар Кенгаши фаолияти очиқлигини таъминлаш

134. Жисмоний ва юридик шахсларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукумати фаолияти тўғрисидаги ахборотдан эркин фойдаланиши Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси ҳамда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таъминланади.

135. Вазирлар Кенгаши ўз ваколатлари доирасида:

Вазирлар Кенгаши ва унинг Раёсати мажлислари тўғрисидаги ахборот хабарларини (пресс-релизлар, бюллетенлар ва шу кабиларни) тарқатиш;

ўзининг расмий веб-сайтида Ҳукумат фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаш;

Вазирлар Кенгаши ва унинг Раёсати мажлисларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш орқали ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чора-тадбирларини кўради.

136. Вазирлар Кенгаши ва унинг Раёсати мажлисларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, шунингдек, кўриб чиқиладиган масалалар муҳокамасига жамоатчиликни жалб этиш тартиби Раис томонидан белгиланади.

137. Ҳукуматнинг расмий веб-сайтида ахборотни жойлаштириш ва янгилаш Раиснинг матбуот хизмати томонидан амалга оширилади.

14-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш

138. Вазирлар Кенгаши ўз ваколатлари доирасида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари Конунларига, Вазирлар Кенгашининг тегишли қарорига мувофиқ жисмоний

ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини таъминлайди.

139. Вазирлар Кенгаши аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби Вазирлар Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланадиган тегишли низом билан белгиланади

140. Жисмоний ва юридик шахсларнинг Вазирлар Кенгашига, давлат бошқаруви органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тушган мурожаатлари билан ишлаш мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш ушбу Регламентга 8 ва 9-иловаларга мувофиқ схемалар бўйича амалга оширилади.

141. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда таъминланади.

Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Регламентига
1-ИЛОВА

**Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi хужжатларини тайёрлаш, киритиш, кўриб чиқиш,
келишиш, имзолаш ва эълон қилиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	1. Вазирликлар, кўмиталар, идоралар, шаҳар ва туманлар ҳокимиятлари Ишлаб чиқувчи Вазирлар Кенгасидан мутасадди билан биргаликда	<ol style="list-style-type: none">1. Вазирлар Кенгашининг хужжати лойиҳасини (кейинги ўринларда лойиҳа деб аталади) тайёрлаш.2. Лойиҳани экспертизадан ўтказиш.3. Лойиҳани Норматив-хуқукий хужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига муҳокамадан ўтказиш учун жойлаштириш (норматив хусусиятга эга бўлса).4. Лойиҳага ишлаб чиқувчининг раҳбари томонидан виза қўйиш ва уни келишиш учун манфаатдор вазирлик ва идораларга юбориш.	Топшириқда белгиланган муддатларда ёхуд ташаббус тартибида лойиҳа тайёрланишига кўра

2-босқич

**Манфаатдор вазирлик
ва идоралар**

1. Вазирлар Кенгаши қарори лойиҳасини биринчи раҳбар (истисно ҳолларда — биринчи ўринбосари) даражасида кўриб чиқиш ва виза қўйиш.

2. Вазирлар Кенгаши фармойиши лойиҳасини биринчи раҳбар (истисно ҳолларда — биринчи ўринбосари) даражасида кўриб чиқиш ва виза қўйиш.

3. Эътиroz ва таклифлар мавжуд бўлган тақдирда — тегишли хатни тайёрлаш.

Лойиҳани зарур материалларни илова қилган ҳолда хуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Адлия вазирлигига юбориш (норматив хусусиятга эга бўлса).

Норматив-хуқуқий тусда бўлмаган Вазирлар Кенгашининг хужжатлари лойиҳалари заруратга кўра, Адлия вазирлигига белгиланган тартибда экспертизага юборилиши мумкин.

қонунлар лойиҳалари бўйича — етти иш куни мобайнида,
Вазирлар Кенгашининг қарорлари лойиҳалари бўйича — уч иш куни мобайнида,
Вазирлар Кенгашининг фармойишлари бўйича — икки иш куни мобайнида

3-босқич

Ишлаб чиқувчи

Вазирлик
ва идоралар билан
келишилгандан сўнг

4-босқич	Адлия вазирлиги	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лойиҳани хуқукий экспертизадан ўтказиш. 2. Хуқукий экспертиза натижаларига кўра лойиҳага виза қўйиш ва уни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса тақдим этиш. 	5 иш куни мобайнида
5-босқич	Ишлаб чиқувчи Вазирлар Кенгашидан мутасадди билан биргаликда	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лойиҳа бўйича хужжатлар тўпламини шакллантириш. 2. Лойиҳани Вазирлар Кенгашига киритиш. 	Лойиҳа келишилгандан сўнг дарҳол
1-босқич	Умумий бўлим	<p>2. Вазирлар Кенгаши</p> <p>Киритилган лойиҳани рўйхатдан ўтказиш ва уни ишлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинмага (кейинги ўринларда таркибий бўлинма деб аталади) бериш.</p>	Лойиҳа тушгандан сўнг дарҳол

2-босқич

Таркибий бўлинма

1. Лойиҳани ишлаш учун масъул ижрочини белгилаш.

2. Лойиҳани миллий ва давлат манфаатларини таъминлаш, иқтисодий самарадорлиги ва ундаги масалаларнинг ўзаро боғлиқлиги нуқтаи назаридан экспер特 жиҳатидан ишлаб чиқилишини амалга ошириш.

3. Лойиҳа Вазирлар Кенгашининг Регламенти талаблариiga риоя қилинмасдан киритилган тақдирда — лойиҳани белгиланган тартибда қайтариш.

1. Лойиҳа бўйича тегишли Раис ўринбосарига ахборот бериш.

2. Лойиҳани молиявий ва иқтисодий экспертизадан ўтказишни таъминлаш.

3. Якуний ишланган лойиҳани таркибий бўлинма раҳбарининг визаси билан Юридик хизматига киритиш.

Лойиҳа тушгандан сўнг дарҳол
2 иш кунлик муддатдан кечикмай

3-босқич

Таркибий бўлинма

2 иш куни мобайнида
Лойиҳа молиявий
ва иқтисодий
экспертизадан
ўтказилгандан сўнг

4-босқич	Юридик хизмати	<p>1. Лойиҳани хуқукий экспертизадан ўтказиш, унга виза қўйиш ёхуд эътиroz ва таклифларни тақдим этиш.</p> <p>2. Лойиҳани таркибий бўлинма билан биргаликда пухта ишлаш ва унга виза қўйиш.</p> <p>3. Зарур ҳолларда мавжуд келишмовчиликлар бўйича холоса тайёрлаш.</p>	3 иш куни мобайнида
5-босқич	Таркибий бўлинмалар	<p>1. Лойиҳани тегишлилик бўйича Раис ўринbosарлари билан келишиш.</p> <p>2. Лойиҳа бўйича Вазирлар Кенгashi Ишлар Бошқарувчисининг ўринbosарига ахборот бериш.</p>	Хуқукий экспертизадан сўнг дарҳол

6-боскич

**Ишлар Бошқарувчисининг
ўринбосари**

1. Лойиҳани уни ишлаб чиқиш учун асос бўлган топшириқ қамраб олиниши, қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги, белгиланган тартибда расмийлаштирилганлиги, таҳлилий материаллар тайёрланганлиги ҳамда манфаатдор идоралар ва Вазирлар Кенгаши аппаратининг таркибий бўлинмалари билан келишилганлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш.

2. Камчиликлар мавжуд бўлган тақдирда — лойиҳани пухта ишлаш учун қайтариш.

3. Эътирозлар бўлмаган ёки улар бартараф этилган тақдирда — лойиҳани кейинчалик Ишлар Бошқарувчисига ахборот бериш учун қабул қилиш.

Лойиҳа тақдим
этилишига кўра

7-босқич

Ишлар Бошқарувчиси

Таркибий бўлинма

8-босқич

Раис

1. Лойиҳани кўриб чиқиши.
2. Камчиликлар мавжуд бўлган тақдирда — лойиҳани пухта ишлаш учун қайтариш.
3. Эътиrozлар бўлмагандага — лойиҳани кейинчалик Раисга ахборот бериш учун қабул қилиши.
4. Раиснинг эътиrozлари мавжуд бўлган тақдирда — пухта ишлаш ва эътиrozларни бартараф этишини, зарурат бўлганда ишлаб чиқувчи ва Юридик хизмат билан биргалиқда ташкил этиши.
5. Лойиҳани Раисга имзолаш учун киритиш.

Вазирлар Кенгashi хужжатини имзолаш.

Лойиҳа тақдим этилишига кўра

2 иш кун мобайнида

Лойиҳа тақдим этилишига кўра

Лойиҳа киритилишига кўра

9-боскич

**Таркибий бўлинма,
Умумий бўлим**

1. Имзоланган Вазирлар Кенгашининг хужжатини рўйхатдан ўтказиш.

2. Умумий бўлим томонидан муҳр билан тасдиқланган Вазирлар Кенгашининг хужжатини давлат органлари ва бошқа ташкилотларга жўнатиш. Заруратга кўра Вазирлар Кенгашининг хужжатига унинг эълон қилинишини чеклайдиган гриф қўйиш.

3. Вазирлар Кенгашининг норматив-хуқуқий тусдаги қарорини расмий манбаларда эълон қилиш, шу жумладан, Адлия вазирлигига юбориш.

Хужжат имзоланган кунда

Изоҳ. Белгиланган тартибда киритилган Ҳукумат хужжати лойиҳаси билан Вазирлар Кенгashi аппаратида ишлаш, агар бошқача муддат белгиланмаган бўлса, у тушган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида амалга оширилади. Юқорида қўрсатиб ўтилган муддатни узайтиришга фақат Раис, унинг ўринбосарлари Вазирлар Кенгashi Ишлар Бошқарувчисининг қарори билан йўл қўйилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Регламентига
2-ИЛОВА

**Вазирлар Кенгashi хужжати лойиҳасига тушунтириш хатининг мазмунига қўйиладиган
АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

Тушунтириш хатида қўйидаги асосий маълумотлар бўлиши керак:

1. Тегишли норматив-хуқуқий хужжатлар, раҳбариятнинг баённома ва бошқа топшириқларига ёхуд лойиҳани қабул қилиш заруратининг бошқа асосларига ҳавола қилган ҳолда уни қабул қилиш асослари (раҳбариятнинг баённома ва бошқа топшириқлари тушунтириш хатига илова қилинади).
2. Лойиҳа бўйича молиявий харажатларнинг зарурлиги ва унинг молиявий таъминоти, шу жумладан, молиялаштириш манбалари.
3. Лойиҳани қабул қилишдан кутилаётган натижалар.
4. Аниқ мақсадлар ва кутилаётган натижаларга эришиш муддатлари.
5. Лойиҳада кўриб чиқилаётган масалалар бўйича муқаддам қабул қилинган хужжатлар ва уларни амалга ошириш натижалари тўғрисидаги маълумот.
6. Киритилаётган лойиҳа қабул қилинган тақдирда қонунчиликни унга мувофиқлаштириш зарурати (бошқа норматив-хуқуқий хужжатларни қабул қилиш ёки амалдаги хужжатларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш талаб қилиниши ёки талаб қилинмаслиги кўрсатилади) ёхуд бундай зарурат мавжуд эмаслиги.
7. Норматив-хуқуқий тусдаги Вазирлар Кенгашининг қарор лойиҳалари Ўзбекистон Республикасининг Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилганлиги ҳамда ўтказилган жамоатчилик муҳокамасининг натижалари тўғрисидаги ахборот.
8. Тадбиркорлик субъектларининг манфаатларига дахл қилувчи лойиҳалар учун — лойиҳа кучга кириши муносабати билан хусусий тадбиркорлик субъектлари учун харажатлар ва чиқимларнинг пасайиши ва (ёки) кўпайишини тасдиқлайдиган таҳлил ва ҳисоб-китоблар натижалари.
9. Халқаро амалиёт ва хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибаси таҳлили натижалари — зарурат бўлганда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Регламентига
3-ИЛОВА

НАМУНА

**Вазирлар Кенгашининг “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарорлариға ўзгартириш ва
қўшимчалар киритилиши тўғрисида”ги қарори лойиҳасига
ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛИ**

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослаш

(ишлаб чиқувчи раҳбарининг лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Регламентига
4-ИЛОВА

НАМУНА

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарори лойиҳасига
КЎРИБ ЧИҚИШ ЖАДВАЛИ**

Амалдаги таҳрир	Асослаш

(ишлаб чиқувчи раҳбарининг лавозими)

(имзо)

(Ф.И.О.)

**Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Регламентига
5-ИЛОВА**

**Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳужжатлари лойиҳаларини расмийлаштиришга
кўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

1. Лойиҳанинг матни А4 форматдаги қоғоз варағининг бир томонида масштаб кичрайтирилмаган ҳолда жойлашиши лозим.

2. Агар лойиҳа икки ёки ундан ортиқ варақда баён этилган бўлса, лойиҳанинг ҳар бир варағи рақамланиши лозим.

Бетнинг тартиб рақами варақнинг пастки ўнг бурчагида 2 рақамидан бошлаб ёзилади. Биринчи бетида 1 рақами қўйилмайди. Худди шундай тартибда лойиҳанинг иловалари ҳам рақамланади. Бунда лойиҳа ва унинг иловалари алоҳида рақамланиши лозим.

3. Лойиҳалар тайёрланишида, қоида тариқасида, Microsoft Word редакторидан ва қуидаги параметрлардан фойдаланилади:

варақнинг чап ҳошияси 3 см, ўнг ҳошияси 1,5 см, юқори ва паст ҳошияси 2 см;

«Times New Roman» шрифти ва лойиҳанинг ҳажмидан келиб чиқиб 13, 13,5 ва 14 ўлчамли шрифт;

биринчи қатор хатбошиси 1,27 см;

қаторлараро интервал (множитель) қоида тариқасида, 1,2.

Жадвалларни акс эттириш учун бошқа ўлчамли шрифтлардан фойдаланишга йўл қўйилади.

4. Лойиҳанинг биринчи бети юқори ўнг томонида «ЛОЙИҲА» сўзи қўйилади, унинг ҳажми матн шрифти билан айнан бир хил бўлиши лозим.

5. Лойиҳа турининг матни катта ҳарфлар билан, матнни марказга тўғрилаган ҳолда, «тўқ» шрифтда, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбохисиз расмийлаштирилади.

6. Лойиҳанинг номи кичик ҳарфларда, «тўқ» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, қавсларсиз, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбохисиз ёзилади.

7. Лойиҳа матнининг ҳар бир қаторида сўзлар кўчирилмасдан тугалланган бўлиши лозим. Лойиҳанинг ҳар бир қатори охирида, кўмакчилар, боғловчилар, «№» белгиси, сонлар қисми, абревиатуралар ва бошқаларнинг қолдирилиши тавсия этилмайди.

8. Илова белгиси 12 ўлчамли шрифтда саҳифанинг юқори ўнг бурчагида жойлаштирилади ҳамда унда, илованинг рақами (агар бир нечта иловалар мавжуд бўлса), илова қилинаётган лойиха тури кўрсатилган ҳолда хужжат рақами ва санаси кўрсатиладиган бўш жой қолдирилади.

9. Лойиха иловасининг номи кичик ҳарфларда, «тўқ» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, қавслариз, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошиз ёзилади.

10. Матн тугаганидан сўнг 2 см жой ташланиб, бир қаторлараро оралиқдан фойдаланган ҳолда яримқора шрифтда 2 қаторда “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси” сўzlари босилади. “Қорақалпоғистон Республикаси” сўzlари матннинг чап томонига босилади, “Вазирлар Кенгашининг Раиси” сўzlари “Қорақалпоғистон Республикаси” сўzlарига нисбатан марказга олинади. Раиснинг имзосини жойлаштириш учун камида 7 см қолдирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Регламентига 6-ИЛОВА

Давлат бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимиятларида хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомининг ҳолатини ўрганиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ижро интизоми назорати бўлими	Давлат бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимиятларида хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомининг ҳолати бўйича олдин ўтказилган ўрганишларни таҳлил қилиш.	Декабрь, июнь
2-босқич	Ижро интизоми назорати бўлими	Хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомининг ҳолатини мақсадли ўрганиш бўйича тадбирларни Ижро интизоми назорати бўлимининг иш режасига киритиш.	Декабрь, июнь
3-босқич	Ижро интизоми назорати бўлими	Давлат бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимиятларида хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомининг ҳолатини ўрганиш ҳолати бўйича материаллар тайёрлаш (ишчи гурух таркиби, сўровнома, жадваллар ва шу кабилар).	Иш режасига мувофик
4-босқич	Ижро интизоми назорати бўлими	Тайёрланган материалларни Раиснинг тегишли ўринбосари билан келишиш.	Иш режасига мувофик

5-босқич	назорати бўлими	ҳокимиятларида ҳужжатлар билан ишлашни ва ижро интизомининг ҳолатини ўрганиш.	мувофик
6-босқич	Ижро интизоми назорати бўлими	Ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомининг ҳолатини ўрганиш якунлари бўйича Вазирлар Кенгаши Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун таҳлилий материалларни тайёрлаш.	Кейинги ойнинг 10-кунигача хар чоракда
7-босқич	Ижро интизоми назорати бўлими	Вазирлар Кенгаши Раёсати мажлиси баённомаси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш.	Кейинги ойнинг 15-кунигача хар чоракда
8-босқич	Ижро интизоми назорати бўлими	Вазирлар Кенгаши Раёсати мажлисининг тасдиқланган баённомаси бажарилиши ҳолати мониторингини олиб бориш.	Хар куни

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Регламентига
7-ИЛОВА**

**Вазирлар Кенгаши аппаратининг таркибий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолатини
ўрганиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ижро интизоми назорати бўлими бошлиғи	Аппаратнинг таркибий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизоми ҳолати бўйича олдин ўтказилган ўрганишларни таҳлил қилиш.	Декабрь, июнь
2-босқич	Ижро интизоми назорати бўлими бошлиғи	Ҳужжатлар билан ишлашни ва ижро интизомининг ҳолатини мақсадли ўрганиш бўйича тадбирларни бўлим иш режасига киритиш.	Декабрь, июнь
3-босқич	Ижро интизоми	Аппарат таркибий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни	Иш режасига

	назорати бўлими ходимлари	ва ижро интизомининг ҳолатини ўрганиш бўйича материалларни (сўровнома, жадвал ва шу кабиларни) тайёрлаш.	мувофиқ
4-босқич	Ижро интизоми назорати бўлими бошлиғи	Тайёрланган материалларни Ишлар Бошқарувчиси билан келишиш.	Иш режасига мувофиқ
5-босқич	Ижро интизоми назорати бўлими ходимлари	Аппаратнинг таркибий бўлинмаларида хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомининг ҳолатини ўрганиш, ушбу соҳада ишларни мувофиқлаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этишда зарур ёрдам кўрсатиш.	Иш режасига мувофиқ
6-босқич	Ижро интизоми назорати бўлими бошлиғи	Хужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомининг ҳолатини ўрганиш якунлари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш ва бу ҳақда Вазирлар Кенгашининг Раисини, Раис ўринбосарлари, Ишлар Бошқарувчисини ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини хабардор қилиш.	З иш куни мобайнида
7-босқич	Ижро интизоми назорати бўлими ходимлари	Вазирлар Кенгашининг Раиси, Ишлар Бошқарувчисининг топшириқларини аппарат таркибий бўлинмаларига етказиш.	Бир кун мобайнида
8-босқич	Ижро интизоми назорати бўлими ходимлари	Вазирлар Кенгашининг Раиси, Ишлар Бошқарувчисининг топшириқлари бажарилиши мониторингини олиб бориш.	Хар куни

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Регламентига
8-ИЛОВА**

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг
мурожаатлари билан ишлаш ҳолатини ўрганиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Умумий бўлим	Аппарат таркибий бўлинмаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ҳолатини ўрганиш бўйича тадбирларни Умумий бўлимнинг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) иш режасига киритиш бўйича таклифлар тақдим этиш.	Бўлимнинг иш режаси тасдиқлангунига қадар
2-босқич	Умумий бўлим	Таркибий бўлинмаларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолиятини ўрганиш юзасидан тегишли сўровнома ва таҳлилий жадвалларни ишлаб чиқиши.	Бўлимнинг иш режасига мувофиқ
3-босқич	Умумий бўлим, тегишли таркибий бўлинмалар	Аппарат таркибий бўлинмалари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолатини ўрганиш ва унинг натижалари бўйича таҳлилий маълумотномалар тайёрлаш.	Бўлимнинг иш режасига мувофиқ
4-босқич	Ишлар Бошқарувчиси, Умумий бўлим	Таҳлилий маълумотномаларни кўриб чиқиш учун аппарат раҳбариятига тақдим қилиш, тегишли таркибий бўлинмаларнинг ижро этиши учун раҳбариятнинг топшириқларини тайёрлаш. Аппарат раҳбарияти тавсия қилган ҳолларда, мурожаатларда кўрсатилган масалаларни Раёсат мажлисида ёки Вазирлар Кенгашининг селектор йиғилишида кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиши.	Бир ҳафта муддатда Хар чоракда

		топшириқларини мутахассислар иштироқида мухокама қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш натижадорлигини ошириш бўйича тегишли тадбирлар режаларини қабул қилиш.	кўрсатилган муддатларда
6-босқич	Умумий бўлим	Қабул қилинган тадбирлар режаларининг аппарат таркибий бўлинмаларидаги ижроси ҳолати устидан назорат қилиш.	Тадбирлар режаларида кўрсатилган муддатларда

**Қарақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашиning Регламентига
9-ИЛОВА**

**Давлат бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимиятларида жисмоний ва юридик шахсларнинг
мурожаатлари билан ишлаш ҳолатини ўрганиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Умумий бўлим	<p>Давлат бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимиятларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолатини комплекс ва мақсадли ўрганиш бўйича тадбирларни Умумий бўлим (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) иш режасига киритиш учун таклифлар тақдим этиши.</p>	Бўлимнинг иш режаси тасдиқлангунига қадар
2-босқич	Умумий бўлим	<p>Давлат бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимиятларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолиятини ўрганиш юзасидан тегишли сўровнома ва таҳлилий жадвалларни ишлаб чиқиш.</p>	Бўлимнинг иш режасига мувофик
3-босқич	Умумий бўлим , Вазирлар Кенгаши аппаратининг таркибий бўлинмалари	<p>Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимиятларига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолатини ўрганиш ҳамда:</p> <p style="margin-left: 20px;">давлат бошқаруви органларининг аппаратлари, худудий бўлинмаларида</p> <p style="margin-left: 20px;">ва идоравий мансуб ташкилотларида;</p> <p style="margin-left: 20px;">шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек, давлат</p>	Бўлимнинг иш режасига мувофик

		ва бошқаруви органларида кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли таҳлилий маълумотномаларни тайёрлаш.	
4-босқич	Умумий бўлим, Вазирлар Кенгаши аппаратининг таркибий бўлинмалари	<p>1. Давлат бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолиятини ўрганиш натижаларини Вазирлар Кенгашининг Раёсати мажлисида ёки селектор йиғилишида муҳокама қилиш.</p> <p>2. Вазирлар Кенгаши Раёсати мажлиси ёки селектор йиғилиши баённомасини давлат бошқаруви органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни муҳокама қилиш ва натижадорлигини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш учун юбориш.</p>	Ҳар чоракда Уч иш куни муддатда
5-босқич	Давлат бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари	Вазирлар Кенгашининг Раёсати мажлиси ёки селектор йиғилиши баённомасини тегишли тадбирлар режасини қабул қилиш учун муҳокама қилиш.	Баённомада кўрсатилган муддатларда
6-босқич	Умумий бўлим, аппарат таркибий бўлинмалари	Қабул қилинган тадбирлар режасининг давлат бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш.	Баённомада ва тадбирлар режаларида кўрсатилган муддатларда